Утемуратова Гулнарахан Хожаниязовна,
Қорақалпоқ давлат университети доценти

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЧИЛИГИНИНГ ШАКЛЛАРИ, МОДЕЛЛАРИ ВА МЕХАНИЗМЛАРИ

УЎК: 332.012.322

УТЕМУРАТОВА Г.Х. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЧИЛИГИНИНГ ШАКЛЛАРИ, МОДЕЛЛАРИ ВА МЕХАНИЗМЛАРИ

Ушбу мақолада давлат-хусусий шериклигининг шакллари, давлат ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўртасида иқтисодий ҳамкорликнинг асосий йўналишлари, «давлат-хусусий шериклиги» категориясининг иқтисодий мазмуни, мақсад ва вазифалари, таркиби ва моделлари, давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш, унинг афзалликлари, хизмат кўрсатиш соҳасида давлат-хусусий шерикликнинг асосий шакллари, ушбу тизимга хос бўлган асосий хусусиятлар, давлат ва хусусий секторнинг ўзаро муносабати тизимида давлат-хусусий шерикликнинг ўрни ҳамда давлат хизматлари аутсорсинги ва давлат франчайзингидан фарқли жиҳатлари тадқиқ қилинган.

Таянч сўзлар: хизмат кўрсатиш соҳаси, давлат-хусусий шериклиги, лойиҳа, давлат хизматлари, аутсорсинг, франчайзинг.

УТЕМУРАТОВА Г.Х. ФОРМЫ, МОДЕЛИ И МЕХАНИЗМЫ ГОСУДАРСТВЕННО-ЧАСТНОГО ПАРТНЕРСТВА В СФЕРЕ УСЛУГ

В статье описаны формы государственно-частного партнерства, основные направления экономического сотрудничества между государственным и частным бизнесом, экономическое содержание, цели и задачи, состав и модели категории «государственно-частное партнерство», реализация государственно-частного партнерства. партнерские проекты, его преимущества, представлены основные формы государственно-частного партнерства в сфере услуг, основные особенности этой системы, роль государственно-частного партнерства в системе государственно-частного партнерства и его отличия от аутсорсинга государственных услуг и государственного франчайзинга.

Ключевые слова: сфера услуг, государственно-частное партнерство, проект, государственные услуги, аутсорсинг, франчайзинг.

UTEMURADOVA G.H. FORMS, MODELS AND MECHANISMS OF PUBLIC-PRIVATE PARTNERSHIP IN THE FIELD OF SERVICES

In the article are described the forms of public-private partnership, the main directions of economic cooperation between public and private business, economic content, goals and objectives, the composition and models of the «public-private partnership» category, the realization of public-private partnership. Partnership projects, its advantages, the main forms of public-private partnership in the service sector, the main features of this system, the role of public-private partnership in the public-private partnership system and its differences from public service outsourcing and public franchising are discussed.

Key words: service sector, public-private partnership, project, public services, outsourcing, franchising.

Кириш (Introduction).

Ҳозирги вақтда жаҳоннинг кўплаб бозор иқтисодиёти мамлакатларида давлат ва хусусий сектор ўртасидаги иқтисодий муносабатлар тизимида сезиларли ўзгаришлар содир бўлмоқда ва бу ўзгаришлар иқтисодиётнинг янги институционал тузилмасини шакллантирмоқда.

Содир бўлаётган жараёнларнинг моҳияти икки йўналишда ўз ифодасини топмоқда: тадбиркорликдан олинадиган фойданинг миллий даромаддаги улушини ўсиб бориши, қўшимча қийматни тақсимлаш нисбатининг ўзгариши; иқтисодий ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш, ва иқтисодий ўсишга доир мавжуд тўсиқларнинг камайиши кузатилмоқда.

Бундай ўзгаришлар фаолиятнинг деярли барча соҳаларини, хусусан, давлат бошқаруви, тадбиркорлик субъектларини қамраб олиб, улар ўртасидаги муносабатларнинг турли жиҳатларига таъсир кўрсатди. Бу жараён нафақат миллий, балки халқаро миқёсда ҳам намоён бўлмоқда.

Таъкидлаш керакки, мазкур ўзгаришлар ишлаб чиқаришнинг глобаллашуви, капиталнинг байналминаллашуви, минтақалар ва давлатлар ўртасида рақобат курашининг кучайиши ҳамда ҳамкорлик муносабатларини такомиллашиб бориши натижасида замонавий жамиятнинг янгича иқтисодий муносабатлари шаклланиши жараёнларида содир бўлмоқда. Шу сабабли, иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши шароитида жаҳоннинг кўплаб мамлакатлар ҳукуматлари давлат-хусусий шериклигини (ДХШ) кенгайтириб бормоқда, хусусан, Республикамизда ҳам бу жараён кузатилмоқда.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, бир қатор ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида хусусий сектор ва давлат ўртасидаги муносабатларнинг ўзига хос шакли вужудга келган. ДХШнинг турли хил шаклларини жадал ривожланиши, уларнинг иқтисодиёт соҳа ва тамоқларида кенг кўламда қўлланилиши ўзаро ҳамкорликнинг ушбу шаклини бозор иқтисодиётининг муҳим хусусияти сифатида тан олиш имконини беради.

Илмий муаммонинг қўйилиши (The scientific problem determination).

Давлат-хусусий шериклигининг концептуал асослари, пул-кредит сиёсати, хусусий инвестицияларни рағбатлантириш орқали уй хўжаликлари даромадларининг энг тез ўсишига эришиш йўналишлари, рақобат муҳитининг шаклланиши учун давлатнинг иқтисодий функцияларидан фойдаланишнинг шарт-шароитлари билан боғлиқ муаммолар Ж.М.Кейнс [7], Й.А.Шумпетер [17], К.Р.Макконнелл, Ст.Л.Брю [9], Дж.К.Гелбрейт [4], С.П.Кукура [8], Ж.Пьер, Ж.Г.Петерс [18] асарларида ёритиб берилган.

Бу йўналишдаги тадқиқотлар О.А.Романова [11], Е.Д.Фролова [14], В.А.Кабашкин [6], В.Г.Варнавский, А.В.Клименко, В.А.Королев [1], В.В.Иванова, С.Клесовой, П.Линдхольма, О.П.Лукши [10], П.Д.Ходжаев [15], У.И.Джуманиязов [5], Л.Шарингер [16] Е.М.Стырин [12] ларнинг асарларида келтирилган.

Шу билан бирга, давлат ва хусусий сектор ўртасидаги иқтисодий муносабатлар тизимининг шаклланиши, «давлат-хусусий шериклиги» категориясининг иқтисодий моҳияти ва мазмуни, мақсад ва вазифалари, таркиби ва моделлари, давлат ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўртасида иқтисодий фаолиятнинг асосий йўналишлари, давлат ва тадбиркорлик ўртасида ҳамкорлик шаклларини амалга ошириш учун молиявий маблағларни жалб қилиш манбалари, давлат ва жамоатчилик мулки объектлари, шунингдек, кенг доирадаги иқтисодий фаолият турларида ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш йўллари, унинг афзалликлари, хизмат кўрсатиш соҳасида давлат-хусусий шерикликнинг асосий шакллари, давлат ва хусусий секторнинг ўзаро муносабати тизимида давлат-хусусий шерикликнинг ўрни, тамойиллари ва омилларига оид қатор ҳал бўлмаган илмий муаммолар мавжуд.

Тадқиқот методологияси (Research Methodology).

Тадқиқот жараёнида давлат ва хусусий сектор ўртасидаги иқтисодий муносабатлар тизими, «давлат-хусусий шериклиги» категориясининг иқтисодий моҳияти ва мазмуни, давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини реализация қилиш, хизмат кўрсатиш соҳасида давлат-хусусий шерикликнинг асосий шакллари, ушбу тизимга хос бўлган асосий хусусиятлар бўйича иқтисодий тизимлар ва нисбатларни ўрганишга диалектик, тизимли ва илмий ёндашув, қиёсий ва солиштирма таҳлил ҳамда гуруҳлаш усулларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар (Analysis and results).

Ривожланган мамлакатларда ДХШ транспорт, коммунал ва ижтимоий инфратузилма, қурилиш лойиҳаларини реконструкция қилиш, таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш, уй-жой коммунал хўжалиги, таълим, соғлиқни сақлаш соҳалари ва тармоқларида намоён бўлмоқда. Давлат иқтисодиётнинг юқорида келтирилган соҳа ва тармоқларида иштирок этишни рад эта олмайди ва фаолиятнинг муайян тури устидан назоратни амалга ошириши шарт ҳисобланади. Бу давлат ва тадбиркорлик ўртасида ҳамкорлик шаклларини амалга ошириш учун молиявий маблағларни жалб қилишни талаб қилади.

Республикамизда бозор иқтисодиётининг ривожланиб бориши билан давлатнинг роли сезиларли даражада камайиб борди ва асосий объектларни бошқариш функциялари астасекинлик билан хусусий секторга ўтказила бошлади. Шунингдек, ҳозирги вақтда хусусий тадбиркорлик билан истиқболли ҳамкорликни амалга ошириш ҳамда рақобатни давлат томонидан тартибга солиш воситалари ва чоралари билан оптимал даражада уйғунлигини таъминлаш зарур ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 майдаги ЎРҚ-537-сон «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги Қонунининг қабул қилиниши мамлакатимизда давлат ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўртасида иқтисодий фаолиятнинг турли хил йўналишларида муносабатларни ривожлантириш ва тартибга солишни назарда тутади. Мазкур қонуннинг асосий мақсади – давлат-хусусий шериклик, шу жумладан концессиялар соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатдир [13].

Тадқиқот жараёнида «давлат-хусусий шериклик» категориясини тадқиқ этиш асосида давлат ва хусусий тадбиркорлик ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик муносабатларини ташкил этиш орқали, ушбу тушунчанинг иқтисодий мазмунини аниқлашни зарурат этади.

Маълумки, давлат-хусусий шериклиги тушунчаси – инглиз тилида «Public Private Partnership» (PPP) сўзига мазмунан мувофиқ келади. Бунда икки томоннинг ҳамкорлик муносабатлари тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатли бўлиши кераклигига қарамай, уни бошқа барча муносабатлар шаклларидан ажратиб турадиган давлатнинг иштироки эканлигини тан олиш керак. Хусусий корхоналар одатий тадбиркорлик амалиёти ҳисобланган бир-бири билан турли хил шакл ва механизмларда ҳамкорликни фаол тарзда амалга оширадилар. Давлатлар ҳам бир-бири билан ўзаро муносабатга киришиб, сиёсий, ҳарбий ва иқтисодий тавсифдаги халқаро ташкилотлар, иттифоқлар, уюшмалар тузадилар. Бундай алоқалар жаҳон амалиётида кенг миқёсда оммалашган. Давлат-хусусий шериклик эса ҳар доим бошқа йўл билан эришиб бўлмайдиган муайян синергетик самарани юзага келтирадиган доимий муносабатларнинг янги сифатини белгилайди.

Шундай экан, ДХШ ташаббускорлик, ташкилотчилик ва кафолатловчи ҳисобланган етакчилик роли давлатга тегишли муносабатларнинг янги сифатини таъминлашга йўналтирилади. ДХШни амалга оширишда хусусий тадбиркорнинг роли лойиҳани молиялаштириш, самарали менежмент, ихтисосликка (қурилиш, ер ости бойликларини ўзлаштириш, ҳудудларни ўзлаштириш, кредитлаш, суғурталаш ва бошқалар) мос профессионал фаолиятни олиб боришдан иборат. Бундан ташқари, ДХШ муносабатларининг янгича сифати умумдавлат миқёсидаги ижтимоий вазифаларни ҳал қилишдан иборат бўлган уларнинг мақсадларини аниқлайди. ДХШнинг асосий мақсади – юқори ижтимоий аҳамиятга эга давлат вазифаларини бажаришга кўмаклашишдан иборат. Бундай вазифаларга уй-жой коммунал хўжалиги инфратузилмасини яратиш, транспорт тармоқлари, уй-жой қурилиши, соҳани ривожлантириш, кенг кўламли инновацион лойиҳаларни тадқиқ этиш, аҳолини ҳалокатли рисклардан ҳимоялаш бўйича суғурталашни ташкил этиш кабилар тегишли.

ДХШнинг концептуал асослари Ж.М.Кейнс [7] асарларида келтирилган бўлиб, бунда пул-кредит сиёсати, хусусий инвестицияларни рағбатлантириш орқали уй хўжаликлари даромадларининг энг тез ўсишига эришиш мумкинлиги асослаб берилган. Кейин «фаровон давлат» назарияси пайдо бўлди, унинг асосчиларидан бири Дж.К.Гелбрейт [4] ҳисобланади.

Ушбу тадқиқотларнинг кейинги ривожланиши К.Р.Макконнелл ва Ст.Л.Брюларнинг асарларида келтирилган. Уларнинг фикрича, рақобат муҳитининг шаклланиши учун давлатнинг бешта иқтисодий функциясидан фойдаланиш мумкин: 1) ижтимоий муҳит ва қонунчилик асосини қўллаб-қувватлаш; 2) кескин рақобатни таъминлаш; 3) фойда ва моддий неъматларни тақсимлаш; 4)

ресурслар тақсимланишини назорат қилиш; 5) иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлаш [9]. Ушбу концептуал асосларни ҳисобга олган ҳолда давлат ва хусусий тадбиркорликнинг ҳамкорлик муносабатлари шаклланишининг устувор йўналишлари асосланади. Бунда давлат иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлаш ва тадбиркорлик фаолиятининг эркинлигига кафолат сифатида намоён бўлади [8].

Шунингдек, тадбиркорлар максимал даражада фойда олиш мақсадида ўзларининг иқтисодий манфаатларини асосий ўринга қўяди. Бу вақтда давлат ижтимоий аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларни амалга ошириш учун қўшимча молиявий ресурсларга муҳтож бўлиб, хусусий тадбиркорликдан молиявий маблағларни жалб қилишга мажбур бўлади. Бунда аҳамиятли даражада бу муаммоларни реализация қилишда давлатнинг фаолияти самарадорлиги қўшма лойиҳаларни реализация қилишга хусусий тадбиркорликни жалб қилиш зарурлигига асосланади.

Бундай ҳамкорликдан тадбиркорликнинг манфаатдорлиги барқарор даромад олиш ва иқтисодиётнинг ижтимоий аҳамиятга эга тармоқларида ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш имкониятини юзага келтиради.

Таъкидлаш керакки, ДХШни амалга ошириш таркиби ва моделлари хилма-хилдир, бироқ улар томонларнинг муайян келишувларига асосланган бир қатор хусусиятлар билан бирлаштирилган.

Таъкидлаш керакки, республикамизда ҳам, ривожланган мамлакатларда ҳам ДХШ тизимини шакллантиришнинг мураккаблиги тадқиқ қилинаётган муаммонинг концептуал асосларини етарлича ўрганилмаганлиги ҳисобланади. Бугунги кунгача, ҳаттоки, самарали ривожланаётган мамлакатларда ҳам ДХШнинг яхлит моҳияти ва мазмунини ифодаловчи таърифи мавжуд эмас. Давлат ва тадбиркорлик ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик шакллари бўйича иқтисодчи олимлар ўртасида ёндашувларнинг яхлит ҳолдаги ягона бирлиги мавжуд эмас.

«Давлат-хусусий шерикчилик» категориясининг таърифи давлат ва хусусий секторнинг ўзаро ҳамкорлигига асосланганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Бунда давлат-хусусий шериклик мустақил иқтисодий категория сифатида талқин қилиниши зарур [19].

О.А.Романованинг фикрича, «ДХШ – бу муҳим лойиҳаларни реализация қилиш мақсадларида давлат ва бизнес ўртасидаги ўзаро манфаатли иттифоқдир. Бунда давлат хусусий бизнес билан иттифоқ тузиб, нафақат бюджет тақчиллигини камайтиради, балки самарали лойиҳаларни бошқариш тизимини ҳам ўзига олади, бизнес эса муайян кафолатлар ва имтиёзлар тўпламига эга бўлади» [11].

Баъзи адабиётларда: «ДХШ – бу давлат ва хусусий шахслар ўртасидаги узоқ вақт давомида ҳар қандай расмий муносабатлар бўлиб, унда иккала томон ҳам фан, технология ва инновациялар соҳасида аниқ мақсадларга эришиш учун ресурсларни биргаликда инвестиция қилишидир» [20].

Мулк ҳуқуқларини қайта тақсимлашни ҳисобга олган ҳолда услубий ёндашувга кўра, ДХШнинг қуйидаги таърифларини келтириш мумкин [11]:

– «ДХШ билвосита хусусийлаштириш сифатида қаралади, бу лойиҳаларни давлатдан хусусий тадбиркорга ўтказишга ёрдам беради»;

– «ДХШ «учинчи йўл» сифатида талқин қилинади, бу орқали ҳукумат аҳолига ижтимоий неъматларни тақдим қилишни яхшилаш шаклларини намоён этади»;

– «ДХШ хусусийлаштириш дастурлари ўрнини босувчи восита бўлиб, иқтисодиётнинг ижтимоий аҳамиятга эга тармоқларида давлатнинг назорат функцияларини сақлаб қолиш имконини беради. Бунда хусусийлаштиришдан фарқли равишда шерикликда мулк ҳуқуқи давлатда қолади».

Е.Д.Фролованинг ёндашувига кўра, ҳамкорлик ва унинг иқтисодиётдаги ўрни қуйидагилардан иборат [14]:

– капиталнинг эркин ҳаракатланиши учун қулай муҳит;

– шаҳар ва ҳудудий ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш институти шаклланади;

– аралаш иқтисодиётнинг муҳим таркибий қисми;

– иқтисодий жиҳатдан тартибга солишнинг янги даражаси.

Иқтисодий адабиётларда «давлат-хусусий шериклик»дан ташқари «хусусий-давлат шериклик» категорияси ҳам қўлланилади.

В.А.Кабашкиннинг фикрича, аслига яқин атамаларга амал қилиш учун «давлат-хусусий шериклик» атамасидан фойдаланиш зарур [6].

Иқтисодий Ҳамкорлик ва Тараққиёт Ташкилоти (ИҲТТ) томонидан ДХШга қуйидаги таъриф берилган: «давлат ва иштирокчилар ўртасида

қайд этилган/чексиз муддатга ҳар қандай расмий муносабат ёки келишув бўлиб, бунда ҳар икки томон қарорлар қабул қилишда ўзаро ҳамкорлик қилади ва фан, технология ва инновацияларнинг маълум бир соҳасида аниқ мақсадларга эришиш бўйича пул, персонал, жиҳозлар ва ахборотлар каби чекланган ресурсларни яратиш ва ҳамкорликда инвестициялашдир».

В.Варнавский томонидан таклиф этилган таърифда: «давлат-хусусий шериклик – бу фаолият соҳасининг кенг доирасида (саноатнинг асосий тармоқлари ва илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишланмалари (R&D)дан, ижтимоий хизматларни кўрсатишгача) ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни реализация қилиш мақсадида давлат ва бизнес ўртасидаги стратегик, институционал, ташкилий иттифоқдир» [2].

Маълумки, давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ўзаро муносабатларининг бошқа шаклларидан ажратиб турадиган турли хил алоҳида хусусиятлари мавжуд бўлиб, улар Россия Федерацияси Фанлар академиясининг жаҳон иқтисодиёти ва халқаро муносабатлар институти олимлари томонидан ишлаб чиқилган ва қўйидагилардан иборат [3]:

– узоқ муддатли шартномалар (10 йилдан 20 йилгача, концессияда – 50 йилгача);

– қўшма молиялаштириш орқали лойиҳаларни молиялаштиришнинг ўзига хос шакллари;

– кескин рақобат шароитида ҳамкорликни давом эттириш;

– шериклар ўртасида масъулиятни тақсимлашнинг ўзига хос шакллари: давлат лойиҳаларни амалга оширишни назорат қилади, хусусий шерик эса лойиҳани молиялаштиришни ўз зиммасига олади;

– шартнома бўйича томонлар ўртасида рискларни тақсимлаш.

Шунингдек, ИҲТТ ДХШни тавсифловчи олтита белгини ажратиб кўрсатади [10]:

1. Шериклик иштирокчилари ҳам давлат, ҳам хусусий сектор вакиллари бўлиши керак.

2. ДХШ иштирокчиларининг ўзаро ҳамкорлиги қонуний асосга эга бўлиши керак.

3. ДХШ иштирокчиларининг ўзаро ҳамкорлиги ўзаро тенг муносабатлар асосида ташкил этилиши керак.

4. ДХШ иштирокчилари ягона мақсадга ва давлат манфаатларига эга бўлиши зарур.

5. ДХШ иштирокчилари қўйилган мақсадларга эришиш учун ўз ҳаракатларини йўналтириши зарур.

6. ДХШ иштирокчилари рисклар ва харажатларни қайта тақсимлашлари керак.

Айтиш керакки, ДХШ механизмини шакллантиришда давлатнинг асосий вазифаларидан бири – бу хусусий сектор билан самарали ўзаро муносабатларни ўрнатишдан иборат бўлиб, хусусий секторга максимал фойда олиш имконини берувчи ДХШдан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятларига асосланади.

ДХШ давлат мулки объектларини хусусийлаштиришнинг энг муваффақиятли муқобил варианти ҳисобланади. Канада ва Буюк Британияда реализация қилинадиган инвестиция лойиҳаларининг деярли 15-20 %и айнан ДХШ тамойиллари асосида амалга оширилади [15].

Давлат бошқарувнинг янги тушунчасига ўтиш Ж.Пьер ва Ж.Г.Петерс томонидан шакллантирилган бўлиб, улар бошқарувни трансформациялашувининг асосий сабабларини ифодаловчи қўйидаги омилларни таснифлайдилар [18]:

– устуворликлар ўзгаради: сиёсий фаолиятдан бозорга ўтиш содир бўлади;

– иқтисодий инқирозлар давлатни стратегик режалаштириш билан шуғулланишга ундайди;

– сиёсий ва иқтисодий глобаллашув макродаражада давлат бошқаруви, ижтимоий институтлар тизимида жиддий ўзгаришларга олиб келади;

– жамият муаммоларини ҳал қилишда хусусий секторни жалб қилиш ўсмоқда. Давлат бир ўзи жамият эҳтиёжларини тўлиқ қондиришга қодир бўлмайди;

– янги давлат бошқаруви ғояси (new public management) анъанавий бошқарувдан фарқли улароқ, натижага йўналтирилган бошқарув услуби ривожланмоқда;

– бошқарувда фуқароларнинг иштироки ва атроф-муҳит муаммоларига қизиқишнинг ортишига устуворлик берилади;

– миллий институтларнинг роли ўсади ва кўп даражали бошқарувга қизиқиш ортади;

– сиёсий жараёнларда янги иштирокчиларнинг таъсири кучаяди.

Шунингдек, В.Г.Варнавский, А.В.Клименко, В.А.Королевларнинг «Давлат-хусусий ҳамкорлиги. Назария ва амалиёт» номли ўқув қўлланмасида «ДХШ – давлат ва жамоатчилик мулки объектлари, шунингдек, кенг доирадаги иқтисодий фаолият турларида ижтимоий

аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида давлат ва жамоатчилик идоралари, муассаса ва корхоналари томонидан ижро этилувчи ва кўрсатилувчи хизматларга нисбатан давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ўзаро таъсирнинг юридик жиҳатдан мустаҳкамланган шаклини намоён этади» [1] дейилган.

Тадқиқотчи У.И.Джуманиязовнинг фикрича «ДХШ – амалдаги қонунлар доирасида давлатнинг узоқ муддатли стратегик вазифалари ва мақсадларидан келиб чиққан ҳолда, юзага келиши мумкин бўлган турли хил иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий ва бошқа таваккалчиликлар, хавф-хатарлар, рискларни тақсимлаш асосида хусусий сектор билан аҳоли учун ўта ижтимоий-иқтисодий, керак бўлса, сиёсий аҳамиятга молик объектларни қуриш ёки шу аснодаги ижтимоий хизматларни кўрсатиш учун хусусий сектор билан амалга оширадиган том маънодаги ўзаро манфаатли алоқаларидир» [5].

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ давлат-хусусий шерикликка қуйидагича таъриф берилган: «**давлат-хусусий шериклик** – давлат шериги ва хусусий шерикнинг муайян муддатга юридик жиҳатдан расмийлаштирилган, давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун ўз ресурсларини бирлаштиришига асосланган ҳамкорлиги [13]»дир.

Шундай экан, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий функцияларини реализация қилишни бошқаришнинг замонавий концепциялари асосида давлатнинг ролини трансформациялашиш ғояси ётади:

– давлат ва хусусий сектор манфаатлари ва ресурсларини мувофиқлаштириш ҳамда интеграциялаш;

– бошқарув жараёнида муайян даражада таъсир қилиш усулига эга турли хил субъектлар иштирокининг ўсиши. Бу қурилиш лойиҳалари ва ҳудудий режалаштиришни ҳисобга олган ҳолда жамият миқёсида фаолиятнинг барча кўринишларини қамраб олади.

Юқорида келтирилган таърифларни эътиборга олган ҳолда, бизнинг фикримизча, «давлат-хусусий шериклиги» категориясини қуйидагича талқин этамиз: давлат-хусусий шериклиги – бу давлат ва ижтимоий мулк объектлари ҳамда турли хил ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида давлат тарафидан шериги ва хусусий шерикнинг муайян муддатга юридик жиҳатдан расмийлаштирилган, улар ўртасида рискларни тақсимлашга асосланган давлат ва бизнес ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликдир.

Республикамиз иқтисодиёти учун ДХШнинг асосий афзалликлари қуйидагиларда намоён бўлади:

– қисқа даврда ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни амалга ошириш имкониятларининг мавжудлиги;

– иқтисодиётнинг барча соҳалари ва тармоқларида фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги;

– давлат объектларига хусусий молиялаштириш бўйича кўпроқ миқдорда маблағларни жалб қилиш имкониятлари;

– автомобиль йўлларини сақлаш, таъмирлаш ва эксплуатация қилишга давлат харажатларини қисқариши;

– хусусий маблағлар ҳисобига давлат ижтимоий объектларини бунёд этишни молиялаштириш;

– давлат ва хусусий субъектлар ўртасида рискларни тақсимлаш;

– ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожланишида замонавий техника ва технологияларни жорий этиш имкониятлари.

Ишбилармон доиралари учун ДХШ қуйидаги афзалликларни келтиради:

– иқтисодиётнинг давлат секторига киришни қўллаб-қувватлаш;

– давлат томонидан қўллаб-қувватланишга эга бўлиш имкониятлари;

– хорижий мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш имкониятларига эга бўлиш.

Давлат учун давлат-хусусий шерикликнинг жозибадорлиги қуйидаги омиллар асосида аниқланади:

– хусусий секторнинг иштироки ҳисобига лойиҳалар самарадорлигининг ошиши;

– давлат иқтисодиётни ривожлантиришга доир муҳим масалаларни ҳал қилиш имкониятлари кенгайиши;

– хусусий молиявий маблағлар ҳисобига бюджет харажатларини пасайиши;

– ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий барқарорлигини мустаҳкамлаш ва рақобат даражасини ошиши.

Бизнинг фикримизча, хизмат кўрсатиш соҳасида ДХШнинг асосий кўринишлари қуйидагиларга таснифланади (1-расм).

1-расм. Хизмат кўрсатиш соҳасида ДХШнинг асосий шакллари[1].



Муайян моделни танлаш ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга лойиҳаларни реализация қилишга боғлиқдир.

Шу ўринда айтиш керакки, оператор модели давлат ва хусусий шериклар ўртасида масъулиятни тақсимлашга асосланади. Бу модел чиқиндиларни қайта ишлашда қўлланилади.

Кооперация модели солиққа тортишнинг мустақил объектларига хизмат кўрсатиш мураккаб бўлганда қўлланилади. Бу механизм давлат ва хусусий тадбиркорнинг қўшма корхонаси орқали амалга оширилади.

Шартномавий модели кўпинча жорий харажатларни пасайтиришга йўналтирилган инвестициялар бўйича энергетика тармоғида қўлланилади.

Молиявий лизинг модели давлат томонидан хусусий секторга бино, иншоотлар, ишлаб чиқариш воситалари, транспорт воситалари, муҳандислик мажмуаларини ижарага беришни назарда тутади [16].

Йирик ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни реализация қилишда концессия модели алоҳида қизиқиш уйғотади. Турли хил ёндашувларга асосланадиган бўлсак, концессия модели ДХШнинг

[1] Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

қуйидаги сабабларга кўра, ривожланган шакли ҳисобланади: концессион муносабатлар узоқ муддатли тавсифга эга; тадбиркорлик тузилмаларида концессиялар бошқарув қарорларини қабул қилишда эркинликка эга бўлади; концессионер томонидан шартнома шартлари бузилганда, давлат хусусий секторга муайян даражада таъсир этиш имкониятига эга бўлади.

Концессиядан ташқари, ДХШнинг бошқа шаклларидан фойдаланиш мумкин, масалан, давлат бинолар, иншоотлар, ишлаб чиқариш воситалари кабиларни хусусий секторга ўтказиш орқали ижара муносабатлари шаклланади.

Бундан ташқари, ривожланган мамлакатларда инвестицион лойиҳаларни амалга оширишдан олдин лойиҳаларни реализация қилиш имкониятларининг (VFM) дастлабки таққослама таҳлили ўтказилади. ДХШ асосидаги лойиҳаларни реализация қилиш ҳуқуқи бўйича танловларни ўтказишнинг хориж тажрибаси бир қанча босқични ўз ичига қамраб олади.

Биринчи босқичда иштирокчиларни танлаш бўйича дастлабки танлов ўтказилади. Иккинчи босқичда танлов ташкилотчиси танлов бўйича таклифларда кўрсатилган лойиҳанинг техник параметрларини аниқлайди. Учинчи босқичда танлов ташкилотчиси танлов бўйича таклифларда кўрсатилган лойиҳанинг молиявий параметрларини аниқлайди.

Таъкидлаш керакки, ДХШ механизмини қўллашда қурилиш объектларига инвестицион харажатлар давлат бюджети маблағлари ҳисобига молиялаштиришга нисбатан юқори бўлади.

Бундан ташқари, давлат қурилиш объектига хусусий сектор имкониятларини тақдим қила туриб, инвестицион харажатларни бўлиб-бўлиб тўлаш ҳуқуқига эга бўлади ва қурилган объектни сақлаш бўйича харажатларни қисқартиради.

Бутун дунёда ДХШ тизимига хос бўлган асосий хусусиятлар қуйидагилардан иборат:

1. Ҳамкорлик. ДХШ доирасида лойиҳаларнинг мақсадлари, вазифалари, дастурлари ва уларни бошқариш механизмини биргаликда ишлаб чиқиш амалга оширилади.

2. Қўйилган вазифаларни биргаликда реализация қилиш. Ҳамкорлик муносабатларида иштирок этиш орқали томонлар масалаларни ҳал этишнинг оптимал йўлини излаб топиш, у ёки бу ҳолатларда умумий ҳаракатлар сиёсатини ишлаб чиқишга интиладилар.

3. Ҳамкорликнинг амал қилиш муддати. ДХШ шартномалари одатда, муайян муддат давомида реализация қилиниши ҳисоб-китоб қилинади, ҳамкорлик бундан томонларнинг ўзаро муносабатларининг доимий институционаллашувини назарда тутади [12].

4. Ресурсларни алмашиш. Томонлар ўртасида нафақат молиявий ресурсларни, балки интеллектуал, меҳнат ва ахборот ресурсларини ҳам бирлаштирадилар. Лойиҳада қўйилган мақсадларга эришиш учун ресурсларни қидириш, алмашиш ва бошқариш бўйича муносабатлар амалга оширилади.

5. Рискни бошқариш. Рискни бошқариш ДХШнинг амалга оширишнинг муҳим мақсадларидан бири ҳисобланади. Томонлар кучларни бирлаштириш орқали кўпгина рисклардан ҳимояланишни таъминлаш, яширин рискларни аниқлаш, уларни суғурталашнинг мос келадиган услубини танлашга ҳаракат қиладилар.

Таъкидлаш керакки, бизнинг тадқиқот ишимизда хизмат кўрсатиш соҳасида концессия сифатида ДХШ лойиҳаларининг шундай шаклларини бошқариш механизми таҳлил этилади. Бу шу билан боғлиқки, ДХШ лойиҳасининг концессион чизмаси дунёда энг кўп фойдаланиладиган ва давлат хизматларининг барча соҳаларида амалда қўлланилади ҳамда концессияга молиявий-иқтисодий нобарқарорлик шароитида катта қизиқиш сақланиб қолмоқда. Концессиялар битимлар сони, жалб қилинган инвестициялар ҳажми ва турли иқтисодий кўрсаткичлар бўйича бошқа шакллардан устундир.

Концессия – бу шартнома бўйича ҳақ тўлаш ва қайтариш асосида давлат мулкидан фойдаланиш ҳуқуқини давлат (концедент)дан юридик ёки жисмоний шахс (концессионер)га тақдим қилиш натижасида юзага келадиган муносабатлар тизими ҳамда давлатнинг мутлақ монополияси бўлган фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқидир.

Ҳозирги вақтда бутун жаҳонда энг кўп тарқалган концессиялар қуйидаги соҳаларда реализация қилинмоқда: йўллар, кўприклар, тунннелларни қуриш; аэропортлар, темир йўл вокзалларини қуриш ва қайта таъмирлаш; темир йўллар алоқа тизимлари, метро, мактаблар ва бошқа жамоат биноларини қуриш, сув таъминоти тизимларини қайта таъмирлаш ва улардан фойдаланиш; дренаж, тозалаш ва чиқиндиларни қайта ишлаш; турли тиббиёт муассасаларини

қуриш, қайта таъмирлаш ва улардан фойдаланиш [21].

Халқаро амалиётда қуйидаги концессион келишувлар турлари мавжуд:

Қурилиш-Операцион бошқариш-Трансферт (Build-Operate-Transfer (BOT)) – хусусий сектор вазифаларига лойиҳалаштириш, молиялаштириш, узоқ муддатли концессия шартномаси асосида объектлар қуриш ва шартноманинг амал қилиш муддати мобайнида бошқариш киради. Шартноманинг амал қилиш муддати тугагандан сўнг мол-мулк яна давлат тасарруфига ўтади. Худди шундай шакл BOOT шартномаларига нисбатан қўлланилади, ягона фарқи бу шартнома фақат ўз (эгалик) босқичида амал қилади.

Қурилиш-Трансферт-Операцион бошқарув (Build-Transfer-Operate (BTO)) – объект қурилиши тугагандан сўнг хусусий корхона оператив бошқарув ҳуқуқини ўзида сақлаб қолган ҳолда мулк ҳуқуқини давлатга беради.

Қурилиш-Эгалик-Операцион бошқарув (Build-Own-Operate (BOO)). Хусусий корхоналар доимий асосда объектларни молиялаштиради, қуради, эгалик қилади ва бошқаради. Давлат чекловлари шартномада келтирилади ва у доимий равишда тартибга солиш ва бошқарувни амалга оширади.

Сотиб олиш-қуриш-бошқариш – BBO (Buy-Build-Operate) – мавжуд объектни қайта тиклаш ва кенгайтиришни ўз ичига олувчи сотиш шакли. Давлат объектни самарали бошқариш ташкил этиш учун хусусий секторга сотади.

Лойиҳалаштириш-Қурилиш-Молиялаштириш-Операцион бошқарув (DBFO (Design-Build-Finance-Operate)) – хусусий сектор узоқ муддатли лизинг асосида объектни лойиҳалаштиради, молиялаштиради ва қуради, шартноманинг амал қилиш муддатида бошқаради. Давлатга мулкни топшириш лойиҳа якуни бўйича амалга оширилади.

Концессия ёки хусусий молиявий ташаббус (PFI) модели DBFO, JST, BOT бўйича ҳар қандай шартнома шакли ва уларнинг ҳосилаларидан фойдаланиш мумкин. Шундай экан, объектларга мулкий ҳуқуқ ДХШнинг қандай модели қўлланилишига боғлиқ эмас.

Давлат ва хусусий секторнинг ўзаро муносабатида ДХШнинг ўрни муҳим аҳамиятга эга бўлиб, аутсорсингдан (масалан, ходимларни корхонага хавфсизликни таъминлаш бўйича ёллаш ёки корхонани тозалаш ишлари) фарқли равишда ДХШ узоқ вақт мобайнида молиялаштириш ва бошқариш, лойиҳалаштириш ва қурилиш, муайян стандартлар асосида лойиҳа менежментини қамраб олувчи улкан рискни ўзига олади. ДХШда ер ва инфратузилма объектлари ё давлатга тегишли бўлади ёки лойиҳанинг якунида давлат мулкига қайтарилади. Хусусийлаштириш давлат мулкини сотиш ёки ўтказишга сабаб бўлади ва бошқарув функциялари хусусий корхонада қолади.

Ўз навбатида франчайзинг қурилган объектни эксплуатация қилиш ҳуқуқини беради. Франчайзинг бўйича хусусий сектор тижорат ва камроқ миқдорда инвестицион рискларни олади. Кўпчилик иқтисодчилар франчайзингни ДХШнинг бир кўриниши деб ҳисоблайдилар, баъзилари эса буни адолатли услуб деб ҳисобламайди.

Таъкидлаш керакки, юқорида келтирилган жадвалда ДХШнинг энг кўп учрайдиган шакллари келтирилган бўлиб, уларнинг ўрни давлат лойиҳаларидан тортиб, хусусий лойиҳаларгача бўлган оралиқда келтирилган. ДХШнинг таркибий шакллари бўйича кенг миқёсдаги илмий тадқиқотлар Жаҳон банки мутахассислари [22] томонидан олиб борилган бўлиб, биз, қуйидаги 2-жадвалда ДХШ шартномасини давлат хизматлари аутсорсинги ва давлат франчайзингидан бир қатор фарқли жиҳатларини ажратиб кўрсатдик.

ДХШ шартномасини давлат хизматлари аутсорсинги ва давлат франчайзингидан фарқли жиҳатларига тўхталиб ўтамиз:

1. ДХШ доирасида давлат кўпинча йирик бизнесни жалб қилади, ўз навбатида кичик ва хусусий корхоналар давлатга аутсорсинг ва франчайзинг механизмлари орқали ўзаро муносабатда бўлади.

2. Давлат хизматлари аутсорсинги бўйича шартнома одатда 1-3 йилга (гарчи у янада кенгайишни назарда тутса ҳам), франчайзинг бўйича эса 3-10 йилга тузилади. ДХШ шартномаси анча узоқ муддатга, яъни 15 йилдан 40-50 йилгача тузилади.

3. ДХШ шартномаси одатда унинг муддати мобайнида мулкни хусусий корхона қўлига топширишни назарда тутади, бу жараён аутсорсингда ҳам, франчайзингда ҳам кузатилмайди. ДХШда ер ва инфратузилма объектлари ё давлатга ёки лойиҳанинг якунида давлат мулкига қайтарилади.

4. Франчайзинг ДХШ шакли сифатида таснифланмаслиги зарур. Чунки, франчайзинг шар-

2-жадвал. ДХШ шартномасини давлат хизматлари аутсорсинги ва давлат франчайзингидан фарқи[1]

Ҳамкорликни амалга ошириш йўналишлари	ДХШ	Давлат хизматлари аутсорсинги	Давлат франчайзинги
Давлат ҳамкорлари	Йирик тадбиркорлик	Кичик ва хусусий корхоналар	Кичик ва хусусий корхоналар
Шартнома муддати	15 йилдан 40-50 йилгача	1-3 йилгача	3-10 йил
Давлат мулки ҳуқуқнинг берилиши	Шартномани амал қилиш муддати	-	-
Хусусий корхоналарнинг иштирок этиш даражаси	Тайёр инфратузилма лойиҳаларини бошқариш ҳамда қурилиш ёки капитал таъмирлаш	Тайёр инфратузилма лойиҳаларини бошқариш	Тайёр инфратузилма лойиҳаларини бошқариш
Рискни бошқариш	Давлат ва хусусий корхоналар биргаликда	Фақат давлат	Давлат, хусусий корхона фойдани юқотиш рискини бошқаради

тномасида тайёр инфратузилма лойиҳаларини бошқариш назарда тутилади. ДХШ шартномаларида эса объектларни қуриш ёки капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилади. Бироқ, шуни эътиборга олиш керакки, ДХШ ва франчайзингда молия ва шартномавий қисмнинг аксарият умумий жиҳатлари мавжуд.

5. Агарда давлат хизматлари аутсорсинг базасида хусусий корхоналар томонидан кўрсатилса, у ҳолда муваффақиятсизликка учраган пайтда мазкур хусусий корхоналар ўзларининг фойдасини йўқотадилар ва бошқа кўнгилсиз оқибатларга олиб келмайди. ДХШ лойиҳаларида инвесторлар ва кредиторлар қўйилган капитал маблағларини хавф остига қўяди ва лойиҳа бўйича кўрсатилаётган хизматлар сифати ва самарадорлигидан кўпроқ манфаатдор бўладилар.

Мамлакатимизда ДХШ лойиҳаларини амалга оширишнинг самарали шаклларини жорий этиш юзасидан муайян даражада тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шунингдек, давлат нафақат ушбу шаклдаги муносабатларни тартибга солувчи субъект ҳисобланади, балки жамият манфаатлари ва эҳтиёжларини фаол ҳимояловчи ролини бажаради.

Хулоса ва таклифлар (Conclusion/ Recommendations).

1. Давлат-хусусий шериклиги ташаббускорлик, ташкилотчилик ва кафолатловчи ҳисобланган етакчилик роли давлатга тегишли муносабатларнинг янги сифатини таъминлашга йўналтирилади. ДХШни таъминлашда тадбиркорнинг роли молиялаштириш, самарали менежмент, ихтисосликка мос профессионал фаолиятни олиб боришдан иборатдир. ДХШнинг асосий мақсади – юқори ижтимоий аҳамиятга эга давлат вазифаларини бажаришга кўмаклашишдан иборат. Бундай вазифаларга уй-жой коммунал хўжалиги инфратузилмасини яратиш, транспорт тармоқлари, уй-жой қурилиши, соҳани ривожлантириш, кенг кўламли инновацион лойиҳаларни тадқиқ этиш, аҳолини ҳалокатли рисклардан ҳимоялаш бўйича суғурталашни ташкил этиш кабилар тегишли.

2. Давлат-хусусий шериклиги – бу давлат ва ижтимоий мулк объектлари ҳамда турли хил ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида давлат шериги ва хусусий шерикнинг муайян муддатга юридик жиҳатдан расмийлаштирилган, улар ўртасида рискларни тақсимлашга асосланган давлат ва бизнес ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликдир.

3. Давлат учун давлат-хусусий шерикликнинг жозибадорлиги хусусий секторнинг иштироки ҳисобига лойиҳалар самарадорлигининг ошиши, давлат иқтисодиётни ривожлантиришга қодир муҳим масалаларни ҳал қилиш имкониятлари, хусусий молиявий маблағлар ҳисобига бюджет харажатларини пасайиши ҳамда ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий барқарорлигини мустаҳкамлаш ва рақобат даражасини ошиши каби омиллар асосида аниқланади.

4. ДХШнинг таркибий шакллари бўйича кенг миқёсдаги илмий тадқиқотлар Жаҳон банки мутахассислари томонидан олиб борилган бўлиб, ДХШ шартномасини давлат хизматлари аутсорсинги ва давлат франчайзингидан фарқли жиҳатлари ажратиб кўрсатилади.

[1] Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати (References)

1. Варнавский В.Г., Клименко А.В., Королев В.А. Государственно-частное партнерство: теория и практика: учебное пособие. – М.: ГУ-ВШЭ, 2010.

2. Варнавский В.Г. Партнерство государства и частного сектора: формы, проекты, риски/ В.Г. Варнавский. - М.: Наука, 2005. - 315 с.

3. Государство и бизнес: институциональные аспекты. - М.: ИМЭМО РАН, 2006. - С. 40.

4. Гэлбрейт, Дж.К. Экономические теории и цели общества = Economics and the Public Purpose (1973) / Под общ. ред. и с предисл. Н. Н. Иноземцева, А. Г. Милейковского. – М.: Прогресс, 1976. – 408 с.

5. Джуманиязов У.И. «Давлат-хусусий шерикчилиги асосида корпоратив бошқарувни ривожлантиришнинг айрим назарий-услубий масалалари» // «Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» илмий электрон журнали. 2017 йил № 3, май-июнь, 9-б.

6. Кабашкин В.А. Формирование и развитие партнерских отношений государства и предпринимательских структур в Российской Федерации (управленческий аспект): автореф.. дис. докт. экон. наук:08.00.05/ В.А. Кабашкин.- М., 2007. - С. 23

7. Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег / Пер. сангл. проф. Н.Н.Любимова, под. ред. д.э.н., проф. Л.П.Куракова. – Москва: МИЭМП, 2010.

8. Кукура С П. Теория корпоративного управления/ С П.Кукура - М.: Экономика, 2004. - С. 105.

9. Макконелл К.Р., Брю С.Л. Экономикс. Принципы, проблемы, политика. – М.: Республика, 1992. Т. II. – С. 398.

10. Национальные инновационные системы в России и ЕС / под ред. Иванова В.В., Клесовой С, Линдхольма П., Лукши О.П. – М.: ЦИПРАН РАН, 2006. – С. 200.

11. Романова О.А. Теория и практика развития частно-государственного партнерства / О.А.Романова // Вестник Уральского государственного технического университета. - 2007. - № 3. - С. 41.

12. Стырин Е.М. Международный опыт использования ГЧП для реализации проектов электронного правительства. – М.: «Издательский дом ВШЭ», 2010.

13. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 майдаги ЎРҚ-537-сон «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги Қонуни. https://lex.uz/docs/4329270

14. Фролова Е.Д. Основные тенденции развития взаимоотношений государства и бизнеса/ Е.Д. Фролова // Вестник УГТУ-УПИ. - 2003. - № 7. - С. 31.

15. Ходжаев П.Д. Зарубежный опыт формирования и развития партнерских отношений между государством и реги-ональными предпринимательскими структурами/ П.Д. Ходжаев // Вестник Российско-таджикского (славянского) университета. - Душанбе: РТСУ, 2014. -№ 3 (46). - С. 102.

16. Шарингер Л. Новая модель инвестиционного партнерства государства и частного сектора / Л. Шарингер //Мир перемен. - 2004. - № 2. – С. 22.

17. Шумпетер Й.А. История экономического анализа в 3 тт. – СПб.: Экономическая школа, 2004.

18. Peters J.G, Pierre J. Governance Politics and the State (Political Analysis). – N.Y., 2000.

19. www.imepi-eurasia.ru. – С. 3.

20. www.inage.ru/ppp/casestuty/Framework_Paper.ru.

21. Муминов Н., Хамраев О. Концепция «Нового государственного управления» и зарубежный опыт в сфере социального партнерства // Актуальные научные исследования в современном мире. 2018. № 6-4 (38). С. 119-123.

22. www.ppi.worldbank.org